


Самарканд шаҳар Давлат
хизматлари маркази

Келишилди

Тасдиқлайман

2018 йил “___” _____ даги
“___” – сон билан

РЎЙХАТГА ОЛИНГАН




Ўзбекистон Республикаси
Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги

Самарканд вилоят ҳудудий
бошқармаси бошлиғи

Н.Эшназаров

2018 йил



Т.Джураев

2018 йил

Самарканд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги
“Ахборот-коммуникация технологияларини
ривожлантириш маркази”
давлат унитар корхонаси
НИЗОМИ

**Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ахборот-коммуникация
технологияларини ривожлантириш маркази”
давлат унитар корхонасининг
НИЗОМИ**

I. Умумий қоидалар

1. “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда – Марказ деб юритилади) Самарқанд вилоят ҳокимлиги (кейинги ўринларда – Муассис деб юритилади) ҳузурида ташкил этилиб, хўжалик ҳисобидаги алоҳида юридик шахс ҳисобланади.
2. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва Фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Самарқанд вилоят ҳокимлигининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.
3. Марказ ўз фаолияти тўғрисида Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасига ҳисоб беради.
4. Марказга Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бошлигининг тақдимномасига кўра, Самарқанд вилоят ҳокими томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.
Директорнинг (вилоят ҳокими билан келишган ҳолда) лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бир нафар ўринбосари бўлади.
5. Марказга ходимларни ишга қабул қилиш ва лавозимдан озод этиш Марказ директори томонидан амалга оширилади.
6. Марказ банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси давлат герби тасвири туширилган, ўзининг юридик номи давлат тилида ёзилган муҳрга, штамп ва бланкларига эга бўлади.
7. Марказ ўз фаолиятини ўз-ўзини молиявий таъминлаш асосида амалга оширади, алоҳида мол-мулкка ва мустақил балансга эга бўлади, унга юклатилган мажбуриятларни бажаради ва фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлардан фойдаланади, мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлиш ва мажбуриятларни бажариш, судда жавобгар ва даъвогар бўлиши мумкин.
8. Марказ ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.
9. Марказ ўз фаолиятини жойлардаги давлат бошқаруви, маҳаллий давлат

хокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб боради.

10. Марказнинг юридик манзили: Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони 1-уй.

II. Марказнинг мақсади, вазифаси ва фаолият турлари

11. Марказ фаолиятининг асосий мақсади – жойларда компьютерлаштириш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда жамоатчиликни ушбу хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек Муассиснинг манфаатида даромад олиш ҳисобланади.

12. Марказнинг вазифалари:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ишларни режалаштириш, таҳлил ва назорат қилиш, қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишини мониторинг қилиш, ҳисоботларни электрон шакллантиришни ўз ичига олган “электрон ҳокимият” комплекс ахборот тизимини жорий этиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини ривожлантириш, уларни бошқа давлат органларининг тизимлари билан интеграция қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан кўрсатилаётган давлат хизматларини жойлардаги “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилишини техник жиҳатдан таъминлаш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборотлаштириш объектларида ахборот хавфсизлигига таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга қарши курашиш, ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш бўйича ташкилий-техник чораларни амалга ошириш;

ҳудудлардаги давлат органлари ўртасида ўзаро электрон ахборот алмашинувини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларига ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида дастурлаш ва телекоммуникация йўналишлари билан бир каторда, замонавий хизматларни (аутсорсинг, консалтинг, бизнес жараёнлари ва бошқарувни мақбуллаштириш) кўрсатиш.

13.1 Марказ фаолияти турлари:

вилоятда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ишларини ривожлантириш;

жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, идоравий ва идоралараро электрон ҳужжат айланиши тизимларини шакллантириш;

маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

маҳаллий ҳокимият органларининг марказлашган электрон маълумотлар

банкларини шакллантириш, уларнинг хавфсизлиги ва барқарор ишлашини таъминлаш;

жойларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятларига қарор қабул қилиш учун таклифлар киритиш;

вилоят ҳокимлиги расмий веб-сайтини такомиллаштириш ва доимий фаол ишлашини таъминлаш;

қонунчиликда белгиланган тартиб асосида вилоятда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда ташкилот ва корхоналарнинг раҳбар ва мутахассис ходимларини ўқитиш учун компьютер саводхонлиги ўқув курсларини ташкил этиш;

республикада ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича олиб борилаётган ишлар ва ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этиш ва вилоят манфаатларини ифодалаш;

амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа фаолиятлар (“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 19-моддасига асосан).

13.2 Марказ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзига берилган ваколатлар доирасида вилоятдаги барча корхона, ташкилот ва муассасалардан зарурий маълумот ва бошқа турдаги меъёрий ҳужжатларни сўраб олиш;

Вилоят ҳокими ўринбосарларининг котибиятлари, ҳокимлик аппарати гуруҳлари ва бошқа бўлимларидан, давлат бошқаруви органлари ҳудудий бошқармаларидан, туман (шаҳар) ҳокимликларидан марказга юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотларни олиш;

Белгиланган вазифалари доирасида туман (шаҳар) ҳокимликлари, вилоят корхона ва ташкилотлари ва жойлардаги маҳаллий давлат органлари иш услубларини ўрганиш;

Шартномалар тузиш ва бошқа қелишувларни амалга ошириш;

Биолар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа кўчар ва кўчмас мулкни ижарага олиш ва бериш;

Ишлаб чиқарган маҳсулот, кўрсатган хизматига бозор конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда, мустақил равишда ёки қелишилган баҳоларда нарх белгилаш;

Банк кредитларидан фойдаланиш;

Ярмарка ва кўргазмаларда иштирок этиш;

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, унитар корхоналарга берилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланади.

III. Муассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

14. Марказ муассисси қуйидагиларга ҳақлидир:

Марказ фаолиятининг мақсади, предмети, турларини белгилаш;

Марказ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Марказ директори билан тузилган меҳнат шартномасини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муддатидан олдин тўхтатиш;

Марказни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Марказ мулкига оид битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга муурожаат қилиш;

Марказнинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасига Марказни хусусийлаштириш ёки давлат тасарруфидан чиқариш бўйича таклифлар киритиш;

Марказга етказилган зарарларни ундириш тўғрисида Марказ директорига нисбатан даъво тақдим этиш;

амаладаги қонунчиликда ва Марказнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Марказнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;

амалдаги қонунчилик ва Марказ таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Марказнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;

фойдани тақсимлаш;

Марказнинг устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини амалдаги қонунчилик ва Марказ Уставида назарда тутилган тартибда сотиш ёки ўзга тарзда воз кечиш;

амалдаги қонунчилик ва Марказ таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда Марказдан чиқиш;

Марказ тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкни ёки унинг қийматини олиш;

Марказ муассиси амалдаги қонун ҳужжатларида ва Марказнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

15. Марказ муассиси қуйидаги мажбуриятларни олади:

Марказ директорини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг билан меҳнат шартномаси тузиш;

Марказ давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб уч ой мобайнида Марказнинг устав фондини унга давлат мулкни тезкорлик билан бошқариш учун бериш йўли билан шакллантириш;

ҳар йили Марказнинг бизнес-режасини тасдиқлаш, ҳар чоракда ижро этувчи органнинг унинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботини эшитиш;

Марказга берилган давлат мулкidan мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини олдини олишни назорат қилиш.

Марказ фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотларни ошкор қилмаслик. Ошкор этилмайдиган ахборотларнинг ҳажмига (турига) барча тижорат шартномалар ишлаб чиқариш, техник ва бошқа Марказ фаолияти тўғрисидаги ахборотлар киради.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва Марказ таъсис ҳужжатларида

кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши шарт.

IV. Марказ филиаллари ва ваколатхоналари

16. Марказ муассис билан келишув бўйича, қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин.

Филиал ёки ваколатхона ташкил этилгандан кейин бир ҳафта муддатда Марказ бу тўғрида Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармасини хабардор қилади.

Марказ филиаллари ва ваколатхоналари уларни ташкил этган Марказ номидан, ушбу Марказ томонидан тасдиқланган низомлар асосида фаолият кўрсатади ва уни ташкил этган Марказ мулкига эга бўлади.

Марказ филиали ёки ваколатхонаси раҳбари Марказ директори томонидан муассис билан келишган ҳолда тайинланади ва унинг ишончномаси асосида фаолият кўрсатади. Филиал ёки ваколатхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилган тақдирда ишончнома Марказ директори томонидан бекор қилинади.

V. Мол-мулк ва маблағлар

17. Марказ мулки:

муассис томонидан Марказга тезкор бошқариш ҳукуки билан бириктирилган мулк;

Марказнинг ўз фаолиятдан олинган даромадлари;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади;

фуқаролар, шунингдек муассасалар, Марказлар ва жамоат бирлашмаларининг ихтиёрий улушлар ва ажратмалар;

Ўзбекистон қонун ҳужжатлари билан рухсат этилган ижара ва бошқа тўловлар ва тушумлар;

беғараз ва хайрия бадаллар.

18. Марказ мулкининг қиймати Марказнинг мустакил балансида акс эттирилади.

Марказ мулки бўлинмас мулк ҳисобанади ва қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан, Марказ ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

19. Марказ мулкини тасарруф этиш қуйидаги ҳолларда Марказнинг ижро этувчи органи томонидан муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;

мулкни хўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида қўшиш;

хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;

хўжалик жамиятларидаги Марказга тегишли акциялар (улушлар)ни сотиш;

мулкни Марказ фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

20. Марказга тегишли бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши

тугалланмаганларни) сотиш муассис билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Марказ ўзига тегишли бўлган бошқа мол-мулкдан мустақил равишда фойдаланади.

VI. Устав фонди

21. Марказни тузиш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун 400 000 000 (беш юз миллион) сўм миқдорида устав фонди ташкил этилади.

Муассиснинг Устав фондидаги улушлари куйидагича тақсимланган:

Самарқанд вилоят ҳокимлиги – 400 000 000 сўм ёки 100 %.

Муассис Устав фондидаги улушини пул маблағлари, мол-мулк, кўчмас мулк, асбоб-ускуналар, интеллектуал мулк ва бошқа кўринишда киритиши мумкин.

Марказнинг Устав фонди Марказнинг фаолиятдан олинган даромади ва мол-мулки ҳисобидан, зарур бўлган ҳолда эса Муассисни натура ёки пул кўринишидаги шахсий улушлари ҳисобидан оширилиши мумкин. Устав фонднинг оширилиши тўғрисидаги қарор Муассис томонидан қабул қилинади.

VII. Марказ ҳужжатларини сақлаш

22. Марказ куйидаги ҳужжатларни сақлаши шарт:

Марказ таъсис ҳужжатлари, уларга киритилган ва белгиланган тартибда руйхатдан ўтказилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар;

Марказ муассиссининг Марказни ташкил этиш ва Марказ устав фондига қўшиладиган пулсиз улушларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни, шунингдек Марказни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қарорлар;

Марказни давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

Марказнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;

Марказнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомлар;

Марказ муассиссининг, ижроия органи мажлисларининг барча баённомалари; қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар.

23. Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар Марказнинг ижроия органи жойлашган манзилда сақланади.

24. Марказ, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Уставнинг 22-бандида кўрсатилган ҳужжатларни доимий равишда сақлаши шарт.

25. Марказ муассиссининг ёки у томонидан тайинланган аудиторнинг талабига биноан Марказ уларга Марказнинг таъсис ҳужжатлари билан, шу жумладан унга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан, шунингдек конфиденциал ҳисобланмаган маълумотлар билан танишиш имкониятини бериши шарт.

26. Муассиснинг талабига биноан Марказ унга Марказнинг устави, уларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларни нусхаларини бериши шарт.

VIII. Ҳисоб ва ҳисобот

27. Марказ мустақил равишда ҳўжалик фаолиятини режалаштиради ва бозор иқтисодиёти асосида хизматларга реал бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда нархларни белгилайди.

28. Марказ мустақил равишда Ўзбекистоннинг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда бухгалтерлик ҳисоб, молиявий ва статистик ҳисоботни амалга оширади.

29. Моддий техника базасини асосий ва айланма маблағлар, шунингдек бошқа моддий бойликлар ва молиявий заҳиралар ташкил этади. Марказнинг ўз маблағлари унинг тўлиқ тасарруфида бўлади ва Ўзбекистон қонунчилигида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари олиб қўйилмайди.

30. Қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда Марказ директори томонидан тасдиқланган ходимлар жадвали, меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тартиби жорий этилади.

31. Мустақил равишда ходимларни касб ва малака савиясини белгилайди.

32. Белгиланган муддатларда молия, солиқ, статистика органларига олинган даромадлар тўғрисида қонунда белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

IX. Даромадни тақсимлаш ва зиёнларни қоплаш

33. Барча мажбурий тўловлар ва солиқлар тўланганидан сўнг Марказ ихтиёрида қоладиган маблағлар Марказ даромадини ташкил этади ва Марказ ушбу маблағлардан эркин фойдаланади.

34. Марказда қуйидаги тартибда заҳира фонди шакллантирилади:

Марказ Устав фондининг 15 фоизи миқдорида заҳира фонди ташкил этилади. Заҳира фонди ҳар йили соф фойдадан 5 фоизлик ажратмалар ҳисобига шакллантирилади;

Шакллантириладиган заҳира фондининг миқдори Муассис қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

35. Марказ амалдаги қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган нархлар бўйича ва тартибда, пул ўтказиш йўли билан ёки нақд пулга ўз маҳсулот ва хизматларини сотади.

Молиявий-ҳўжалик фаолияти натижасида вужудга келган зиёнлар Марказнинг заҳира фонди ҳисобидан, у етмаган ҳолда эса Марказнинг мол-мулки ёки Муассиснинг мақсадли қўшимча улушлари ҳисобидан амалга оширилади.

X. Марказнинг бошқарув органлари

36. Марказнинг бошқарув органлари қуйидагилар:

- а) Марказ муассисси;
- б) Ижроия органи (директор).

XI. Марказ муассисси

37. Марказнинг энг олий органи бўлиб Муассис ҳисобланади.

38. Муассиснинг мутлоқ ваколатларига қуйидагилар қиради:

Марказ фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек бошқа тижорат корхоналари ва бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Марказ устав фонди миқдорини ўзгартириш;

таъсис ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, ёки уларни янги таҳрирда тасдиқлаш;

Марказнинг ижро этувчи органларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерлик балансларни тасдиқлаш;

Марказнинг соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

аудиторлик текширувларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик Марказлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;

Марказни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;

амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

XII. Ижро органи (Директор)

39. Марказнинг ижро органи бўлиб Директор ҳисобланади ва Марказнинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширади.

Директор Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Самарканд вилоят ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда Муассис томонидан номуайян муддатга лавозимга тайинланади ва вазифасидан озод этилади.

Директор лавозимига Ўзбекистон Республикаси фуқароси тайинланади. Директор билан тузилган меҳнат шартномасини Муассис имзолайди.

Директор Муассис қарори бўйича чақириб олиниши мумкин.

40. Марказ Директори ҳуқуқлари:

Марказ олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади;

Марказ номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади ва унинг манфаатларини ифодалайди;

Марказ номидан битишувларни белгиланган тартибда амалга оширади;

ҳодимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва тўхтатади, буйруқлар чиқаради;

ҳодимларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради.

ходимларининг штат бўйича сони ва уларнинг иш хаки миқдорларини муассис билан келишган ҳолда тасдиқлайди.

Марказнинг барча ходимларига мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

41. Марказ директори мажбуриятлари:

муассис олдида Марказ уставида белгиланган тартибда Марказ фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Марказ манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади;

бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг ва иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлайди;

меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилишини таъминлайди;

Муассиснинг ўз фаолиятига алоқадор қарорларини тайёрлашни ва бажарилишини ташкиллаштиради ва уларни бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этади;

42. Директорнинг жавобгарлиги:

Марказ фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан Марказга берилган давлат мулки йўқолган тақдирда, Марказга етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради;

директор Муассисга ҳисобдор ва унинг олдида Марказ фаолиятининг амалга оширилиши ҳамда унга юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун жавобгар ҳисобланади.

43. Директор, шунингдек Муассис томонидан ваколат берилган шахс Марказ номидан имзо қўйиш ҳуқуқига эга.

XIII. Марказ фаолиятини назорат қилиш

44. Марказда алоҳида назорат органи кўзда тутилмайди.

Марказ молия-хўжалик фаолияти устидан назорат муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Марказ ҳисобот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

XIV. Марказнинг тижорат сир

45. Марказнинг тижорат сир деганда давлат сир аҳамиятига эга бўлмаган услубий ахборот, бошқариш, режалаштириш, молия ва Марказнинг бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган, уларни ошкор этиш (бериш, ўтказиш) унинг манфаатларига зиён етказиши мумкин бўлган маълумотлар тушунилади.

46. Ҳар бир ходим барча, шу жумладан беҳосдан олинган Марказнинг молия ва бошқа характердаги фаолияти билан боғлиқ ахборот ва маълумотларни ошкор этилмаслигини ва бундай ахборотнинг тарқалишини олдини олиш бўйича чоралар кўришга мажбурдир.

47. Тижорат сири ошкор этилганда Директор ахборотни янада тарқалишини олдини олиш бўйича барча чораларни кўради ва айбдор шахсни Марказдан чиқариб юборилишини амалга оширади.

XV. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш

48. Марказни қайта ташкил этиш ёки тугатиш муассис қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқлаган Низом талабларига ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

49. Марказни қайта ташкил этиш Муассис қарори бўйича уни қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш, қайта тузиш йўли билан амалга оширилади. Марказни қайта ташкил этишда унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисига утади.

50. Марказни давлат рўйхатидан ўтказган орган томонидан ягона давлат реестрига тегишли ёзув (ўзгартириш) киритилган вақтдан бошлаб Марказни тугатиш якунланган, Марказ эса ўз фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

XVI. Якунловчи қоидалар

51. Устав корхона қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради.

52. Уставда ўз ифодасини топмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари бўйича тартибга солинади.

Марказ директори в.в.б



О.Муродуллаев

“Ахборот-коммуникация
технологияларини ривожлантириш
маркази” давлат унитар корхонасининг
Низомига ИЛОВА

Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ахборот-коммуникация
технологияларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонасининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ

